

Qishloq hayoti

2007 YIL 16 NOYABR, JUMA 138 (7287) - son

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

Ўзбекистон
1991-2007
йилларда

Ўтган йиллар давомида машаққатли, шу билан бирга, шарафли, том маънода тарихий даврда доимо елкамаелка туриб, қандай улкан ва олижаноб ишларни амалга оширганимиз, буюк келажак пойдеворини ўз қўлимиз билан барпо этаётганимиз барчамизга ҳар қанча фахрланиш, босиб ўтган йўлимизни миннатдорлик билан эслаш учун асос беради.

Куннинг
муҳим
боқеалари

○ Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломовнинг Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртлири жамоатчилиги билан учрашуви ўтказилди.

○ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитасида "Бюджет тизими тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий таркибий бўлинмалари томонидан ижро этилишини ўрганиш натижалари мавзусида мажлиси бўлиб ўтди.

○ Ўзбек Миллий академик драма театрида Республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги Эндокринология илмий-тадқиқот институти ҳамкорлигида юртимизда ўтказилган Саломатлик ойлги акцияларига бағишланган йилги бўлди.

○ Республика ўқувчилар саройида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳамда "Ўзбекистон" Давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида янги 2008-2009 ўқув йили учун тайёрланган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларининг иккинчи махсус кўргазма-пармакиси ташкил этилди.

○ Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 14 ноябрь кунини Ўзбекистон ва Япония ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.


○ Пойтахтимиздаги Олий ҳарбий божона институтида 18 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кунга бағишланган учрашув бўлди.

○ Ўзбекистон Бадий академиясининг марказий кўргазмалар залида "PharmExpo Uzbekistan-2007" учинчи халқаро иқтисодлашган фармацевтика кўргазмаси очилди.

○ Қарши тиббиёт коллежида қандили диабетга қарши кураш ойлги доирасида семинар ўтказилди.

○ Самарқанд шаҳрида Ислон конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ташкилоти — ISESCO ҳамкорлигида "Ўзбекистон — ислом дунёсининг буюк мутафаккирлари юрти" мавзусида халқаро илмий конференция бўлиб ўтди.

○ Эллиққалъа туманининг "Сарибўй" овулида агроиктисодий касб-хунар коллежи боноси фойдаланишга топширилди.



Наманган вилояти марказидаги шаҳарнинг бош майдони — Тинчлик хиёбонида қурилиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Замонавий меъморчилик аънавалари моҳирлик билан қўлланган ҳолда бунёд этилаётган мазкур иншоот марказида эзгу мақсадларимиз тимсоли — қўжма парвоз қилаётган жуфт турнани кўтариб турган маҳобатли устун ўрин олган. Атрофдаги дов-дарахтлар, яшилликка чўлганган йўлқалар хиёбонга яхлит бир уйғунлик бағишлайди.

Иншоотни бунёд этишда бош пудратчи — Намангандаги 3-қурилиш-таъмирлаш шўба корхонаси ва ўнга яқин пудратчи корхоналар жамоалари жонбозлик кўрсатмоқда.

СУРАТЛАРДА: иш юритувчи Мажитхон Мамадалиев (чапда) ва "Вилояттур" акционерлик жамияти етакчи мутахассиси Қодирхон Содиков;

иш юритувчи Мажитхон Мамадалиев.

Хотам **МАМАДАЛИЕВ** (ЎЗА) олган суратлар.

Наманган вилояти

Жиззах аккумуляторлари

уларнинг қарийб ярим миллион донаси 20 хорижий давлатга сотилди

Жиззах аккумулятор ишлаб чиқариш корхонаси бир неча йил олдин атиги 5-6 та хориж давлатларининг йирик компаниялари билан савдо алоқаларини қиларди. Жорий йилдан бошлаб корхона жамоасининг чет эллик ҳамкорлари йигирмага яқинлашиб қолди. Улар орасида Олмония, Жанубий Корея, Япония ва АҚШ сингари ривожланган давлатларнинг йирик автомобилсозлик компаниялари ҳам борлиги корхона доврўғини дунёга ёймоқда.

Маълумки, ҳар қандай ишлаб чиқариш корхонасида маҳсулот сифатини ҳам, меҳнат унумдорлигини ҳам ишчи-хизматчиларининг ишчанлиги ва малакаси таъминлайди. Бу жихатдан корхонада ишлар "беши!" Негаки, корхона ишчиларининг аксарияти ёшлар бўлиб, Россия, Туркия, Жанубий Корея ва АҚШдаги турдош корхоналарда тажриба ал-

машиб қайтишган.

Табиийки, уларнинг интилиш ва ўрганишлари ўз самарасини бермоқда. Корхона ишчилари жаҳон андозаларига мос аккумулятор батареялари ишлаб чиқаришга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бу батареяларни мукамал баъ-

зи жихатлари билан, ҳатто, жаҳоннинг айрим машҳур фирмалари маҳсулотларидан устун ҳам деб баҳолашмоқда. Буни жамоанинг бултур ва бу йил "ISO 9001:2000" Халқаро сертификатини қўлга киритиби, "EVROPEAN QUALITY" ҳамда Франция "Савдо фаоллари" клубининг "Сифат" олтин нишонлари билан мукофотлангани ҳам кўрсатиб турибди. Шунингдек, ўтган йилдан бошлаб бу ерда ишлаб чиқарилаётган аккумуляторлардан фойдаланиш давомида қўшимча электролит-кислота аралашмаси қўйиш талаб этил-маслиги бу нудузани янада оширди.

Корхона маъмурияти ва жамоаси ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг юқори сифатлиги билан бир-

ЭКСПОРТ

га меҳнат унумдорлигига ҳам жиддий эътибор бермоқдалар. Шу боис, корхонада кейинги олти йил ичида "Classik" русумли 971 минг дона кальцийли аккумуляторлар ишлаб чиқарилади. Бу пулга чақилса, салкам 40 миллиард сўмлик маҳсулот дегани. Шуниси қувончлики, корхона аккумуляторларининг 488 минг донаси хорижга сотилган бўлса, 43 минг донадан кўпроги Асакадаги корхонага етказиб берилди.

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда санатни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бу борада қабул қилинган "Маҳаллийлаштириш дастури"да эса меҳнат жамоалари олдиға маҳаллий хом ашё ва бутловчи қисмлардан кўпроқ фойдаланиш вазифаси қўйилган. Шу мақсадда фаолият юритаётган Жиззах аккумулятор корхонаси йил сайин юксалиш сари бормоқда. Бу эса табиийки, мамлакатимиз автомобилсозлик соҳасининг иқтисодий тараққиётиға муносиб улуш қўйиши аниқ.

Келдиёр ЖўРАҚУЛОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Жиззах вилояти

18 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси
Давлат байроғи қабул қилинган кун

Муҳим санаға бағишланди

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Солиқ академиясида «Давлат байроғи — фахр-ифтихорининг ранги» мавзусида учрашув бўлиб ўтди.



Мазкур академия томонидан Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган анжуманда ёзувчи-шоирлар, журналистлар, академиянинг ўқитувчи ва тингловчилари иштирок этди.

Таъкидланганидек, байроқ — мамлакатнинг суверенитети ва ҳудудий бирлиги, халқнинг юксак орзу-интилишлари-ю мақсад-ғояларини ўзида муҳассас этувчи муҳим тимсолдир. Халқимиз истиқлолга эришгандан сўнг ўз миллий байроғига эға бўлди — 1991 йил

18 ноябрда "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Мазкур муҳим сана юртимизда реңг нишонланади.

Байроғимиз қабул қилинган куннинг 16 йиллиги муносабати билан ташкил этилган ушбу анжуманда гурур ва ифтихоримиз рамзи бўлган туғимизнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий-руҳий аҳамияти хусусида сўз юритилди. Байроқ халқимизнинг эзгу мақсад ва амаллари, орзу-интилишлари, буюк келажакка бўлган қатъий ишончини мустаҳкамлаш, айниқса, ёш авлодни она-Ватанға муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутиши алоҳида таъкидланди. Бу мамлакатимиз иқтисодий-ишчи самарали меҳнат қилаётган давлат солиқ тизими ходимлари, шунингдек, бугун Солиқ академиясида тахсил олаётган ёш кадрлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Тадбирда санъаткорлар ижросида ватан, истиқлол ва ватанпарварлик руҳидаги дилрабо куй-қўшиқлар янгради.

(ЎЗА)

Риштондан — Токиоға!

Ўзбек кулоллари маҳсулотига Японияда талаб катта

Риштондан қўшни Қирғизистон орқали Сўзға чиқиб кетадиган катта асфальт йўли "Фаргона кўчаси" деб аташди. Кўчанинги икки томонида кўркам ва чиройли турархўй бинолари қад ростлаган. Йўлларда эса ҳар хил анвойи гуллар очилб ётади.

Ўша хонадонлардан бири олдида, яъни йўлакнинг икки тарафиға ўрнатилган бадий кулолчилик намуналари ва ундан унчалар узоқда бўлмаган рамзий қабртош эътиборимизни ўзига тортиб қолди. Айниқса, қўшқанотли дарвозаға "Риштон —

Япония" япон тили тўғарағи" деб ёзиб қўйилганлиги бизни қизиқтирди.

Ажаб! Бундай марказларнинг пойтахт, вилоят марказлари ёки йирик шаҳарларда очилиб, фаолият кўрсатаётганлиги табиий ҳол, албатта. Бироқ, чечка ҳудудлардан бирида-я?!

Бу ердағи ҳар бир нарсға ҳайратимизни янада жумбушға келтириб, беихтиёр ром этиб қўйган, ўзимизни бетакорлар санъат оламиға кириб қолгандек сеза бошлагандик.

Инсоннинг қўлини гулга қўйлашди, "Бир йилгитта кирк хунар оз", дейишди. Касб-хунарлар орасида кулолчиликнинг ўзига хос жиҳатлари бор.

(Давоми 2-саҳифада)

Юксак эҳтиром ифодаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов шу йил 18-19 октябр кўнлари давлат ташрифи билан Туркменистонда бўлди. Ушбу ташрифи икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ривожига янги суръат бахш этди, ҳамкорликни кенгайтириш, унинг мазмунини янада бойитиш учун янги имкониятлар очиб берди. Эеро, Ашхобод саммитида Ўзбекистон ва Туркменистон манфаатларига хизмат қиладиган қатор ҳужжатлар, жумладан, Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги давлатларaro шартнома ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги давлатларaro шартнома имзоланди.



Ташриф асосида Президент Ислон Каримов Ашхободдаги От спорти мажмуи билан танишди. Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухаммедов мамлакатимиз раҳбарига ахалтекин зотли тулпор совға қилди. Бу Туркменистон раҳбарияти ва халқининг Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовға, Ўзбек халқиға бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромининг амалий ифодаси бўлди.

Тошкент темир йўл транспортти муҳандислари институти спорт мажмуида 14 ноябрь кунини Ўзбекистон ва Туркменистон халқлари дўстлигининг ўзига хос рамзига айланган мазкур от жамоатчилиққа намоиш этилди.

Туркменистоннинг мамлакатимиздаги Фавқуллода ва мухтор элчиси С.Пирмухамедов, Ўзбекистон Байналмилад маданият маркази директори Н.Мухаммадиев, Республика от спорти федерацияси раҳбарининг ўринбосари К.Мирхўжаев Туркменистон раҳбарининг Ўзбек халқиға туҳфаси мамлакатларимиз ўртасидаги дўстликка, ҳурмат ва ишончға, яқши қўшничиликка асосланган ўзаро манфаатли муносабатларнинг, мустаҳкам ҳамкорлик ришталарининг белгиси эканлигини таъкидладилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов сўзға чиқди.

(ЎЗА)

ОБУНА — 2008

"Қишлоқ ҳаёти" ва унинг иловаси "Ҳаёт" газеталарини йил давомида мунтазам ўқиб боришни истайсизми? Мамлакатимизда ва дунёда рўй бераётган воқеалардан, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларидаги ўзгаришлардан хабардор бўлиб, маданий-маърифий мавзулардаги мақолалар, фалсафий фикрлар билан йўғрилган бадий асарларни мутлола қилишни хоҳлайсизми? Унда 2008 йил учун газеталаримизға обуна бўлишға шошилиңи!

"Ўзбекистон почтаси", "Матбуот тарқатувчи" идоралари ва бошқа ташкилотлар обунани расмийлаштиришмоқда. Тахририятнинг ўзида ҳамда газетанин Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардаги мухбирлари орқали шартнома асосида ҳам обуна бўлиш мумкин. 144-индекс бўйича "Қишлоқ ҳаёти" ва "Ҳаёт" газеталарига бир йўла, 145-индекс бўйича эса "Ҳаёт" газетасининг ўзига обуна расмийлаштириляпти.



Ўзбекистон бозор ислохотлари илмий-тадқиқот институтида "Бозор муносабатларини ривожлантириш шароитида қишлоқда инфратузилма объектларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишлари" мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Фермерға хизмат кўрсатиш такомиллашади

Аграр соҳада амалға оширилаётган ислохотлар натижасида ер муносиб эғасини топди. Фермерлик ҳаракати ишлаб чиқаришда етакчи кучға айланди. Манфаатдорлик ҳисси ҳосилдорлиқни ошириш, ер унумдорлигини қўлайитириш имконини бераётди. Фермерларға яратилаётган шароит, кўрсатилаётган хизмат — қишлоқда инфратузилманинг ташкил топиши ўсиш суръатларини жадаллаштираётди. Жорий йилнинг 9 ойида ялли қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳажми 103,5 фоизни ташкил этгани ҳам фикримизнинг исботидир. Мазкур йилнинг ўтган даври мобайнида фермерлик ҳаракатини янада қўллаб-қувватлаш ва уларға қўлай имкониятлар яратиш мақсадида қўшимча равишда 129 та ёқилга мойлаш материаллари билан таъминловчи, 104 та минерал ўғитлар билан таъминловчи шохобча, 305 та муқобил МТП, 71 та минибанк, 229 та СФУ ва бошқалар ташкил этилди. Бу рақамлардан кўринадики, соҳада муайян ишлар амалға оширилаётди. Аммо бу хизматлардан тўлиқ фойдаланмас-

лик ҳолатлари ҳам учраб турибди. Масала эса ойдин. Қишлоқ инфратузилмасини янада такомиллаштириш зарур. Бунинг учун эса рақобат муҳитини вужудға келтириш лозим. Шу ўринда айтиш жоизки, хизмат кўрсатиш соҳасининг янада такомиллашуви қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва сифатини янада оширади.

Шу каби масалалар тилға олган илмий-амалий конференция қизгин баҳс-мунозараларға бой бўлди. Муҳими, фикр алмаштириш, мавжуд муаммоларнинг ечимини устида мутахассислар тақлифлари қўриб чиқилди. Бу эса соҳанинги янада мукамаллашувиға хизмат қилиши аниқ. Мақсаду мудоао шундаки, истиқболли фермерлик ҳаракатини янада қўллаб-қувватлаш, уларға хизмат кўрсатишни такомиллаштириш мамлакат иқтисодиёти барқарорлигини таъминлаш баробарида тараққиётға муносиб улуш қўйиш имконини беради.

Раимқул СУЯРОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Риштондан — Токиога!

Ўзбек кулоллари маҳсулотига Японияда талаб катта

(Боши 1-саҳифада)

У кишидан катта меҳнат, сабр-тоқат ва энг муҳими нозик дид, қолаверса қобилият талаб этади. Алишер Назиров, уста Кимсанбой Фанижонов ва уларнинг қўлларида жило топаётган буюмларнинг ўзи бир олам. Санъат сеҳри билан бирга эътиборимизни қўш қанотли дарвозадаги ёрлик ва унинг келиб чиқиш тарихи банд этгани боис гапни ўшандан бошладик.

— Мустанкилимизнинг дастлабки даври — 1994 йил эди ўшанда, — изоҳ беради "Риштон — Япония" маданий-иқтисодий алоқалар маркази раҳбари Фанишер Назиров. — Катта акам Алишернинг бадиий кулолчилик буюмлари япон мутахассисларининг назарига тушиб қолган. Япониялик биродарлар акамни кунчиқар мамлакатга бориб, тажриба алмашишга таклиф этишди.

Чунки Япониянинг Комацу шаҳрида ҳам худди бизнинг Риштонга ўхшаб бадиий кулолчилик буюмларига қизиқиш катта экан. Натижада, ўша ерлик Комацу фирмасининг катта муҳандиси Оосаки-сан жаноблари билан дўстона оилавий банди-келиди пайдо бўлди. Оосаки-сан жаноблари 1998 йили нафақага чиқиб, Риштонга турмуш ўрғоти билан меҳмон-дўстлиги манзур бўлди. Айниқса, болалардаги келажак ҳаётга интилиш, би-

лимга чанқоқлик ёқиб қолади. Бу Оосаки-сан жанобларини хайрли ишга қўл уришга ундайди. Унинг шахсий маблаглари ҳисобига 1-мактаб қошида дастлабки Япон тили тўғраги очилди.

Галнинг очигини айтганда, бизларда иккилаштирилган кўчма манзилнинг йўли 90 га яқин ўқувчи тўғрага аъзо бўлиб кирди. Мана орадан 9 йил ўтди. Оосаки-сан жаноблари 2001 йили ҳаётдан кўз юмди, аммо у асос солган дўстлик риштаси бўлиб "Риштон — Япония" иқтисодий-маданий алоқалар маркази қошидаги "Норико-Гако" тўғрагини бир неча юзлаб ўқувчилар би-тириб чиқмоқда.

Бугунги кунда собиқ мактаб-тўғрақ ўқувчилардан бир қанчаси Япония давлатининг турли шаҳарларидаги олий ўқув юртиларида тахсил олишмоқда. Улар орасида Зафаржон Исомиддинов Токио чет тиллар университетида, Озодах Назирова Коряма аёллар мактабиди, Шохис-тахон Зияева Комацу шаҳридаги Танки университетида, Дониёр Назиров эса Тсукуба Давлат университетининг япон тили филологияси аспирантурасида ўз билимларини мустақамламоқда.

Алишер Назиров... Бугунги кунда бу ном кўпчиликка яхши таниш, чунки у 1986 йилдан бери республика ва чет элларда ўтказилаётган халқаро бадиий кулолчилик буюмлари кўргазмаларида фаол иштирок этиб келади. 1994 йили

Японияга бориб олти ой давомида Япон кулолчилик мактабининг сир-асрорлари билан яқиндан танишиб, ўз тажрибасини янада бойитди. 1994 ҳамда 1996 йилларда Япониянинг Комацу шаҳрида ўзининг шахсий кўргазмасини намойиш этди. Орадан бир йил ўтиб, ўша ерда ўтказилган бутундунё кулолчилик кўргазмасида иштирок этиб, фахрли ўринларни банд этди. 2001 йили эса республика "Ташаббус" кўрик-танловининг гоялибигини қўлга киритди.

Алишер Назиров яратган бадиий кулолчилик буюмлари нафақат кунчиқар мамлакат Япония, балки Фарбий Европа мамлакатларида ҳам маълум ва машҳур. Хусусан, Москва шаҳридаги Шарқ халқлари санъат давлат музейида, Санкт-Петербург шаҳридаги Этнография музейида, Германия ва Франция музейларида сақланмоқда.

Ҳа, Риштон азал-азалдан доврўғли юрт, чунки унинг олтиндан-да қimmatроқ туپроғи бор. Риштондан қайтаётиб, беихтиёр ўйга толаман. Риштон ерлари бу қадар бебаҳо эканигининг боиси нимада? Саволимга жавоб тоғандай бўлмади: чунки Риштон замини не-не буюк зот ва алломаларга бешик бўлмаган акир?! Ислол оламининг буюм олимларидан бири Бурхониддин ар-Риштоний ал-Марғиноний сингари донишмандлар тугилган бу юртда!

Маъмур МУСУЛМОНОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.
Фаргона вилояти

Бойсун туманида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида тумандаги 256-хўжаликларо меҳанизациялашган кўчма жамоанинг ҳам алоҳида хизмати бор. Ушбу жамоа ўтган йили Бойсун туманида 90 ўрилли агро-саноат касб-хунар коллежини бунёд этган эди.

Моҳир бинокорларнинг меҳнати кадрланиши, уларнинг рағбатлантириб борилиши иш суръатининг янада ошишига ҳамда жадаллашишига омил бўлмоқда. Ашур Хайдаров, Истат Йўлдошев, Гаффор Эсанов, Каҳҳор Хиди-



ЖАРАЁН
замонавий ускуналар билан жиҳозланган амалий машғуллар ўтказиш устaxonасини қўриб, қалби завққа тўлади.

Кўчма колоннанинг манзили — объект

Жорий йилда ҳам уларга бир йўла иккита умумий ўрта таълим мактабини тубдан қайта тиклаш, қўшма биналар қуриш ва 540 ўринли машино қилма кўрсатиш касб-хунар коллежи қурилиши ҳам Зариф Раҳмонов саркар бўлган бинокорларга ишониб топширилди. Жамланмада техника ва механизмлар етарли. Шу боисдан гарчи киш фасли бошланган бўлсада, мактабларнинг капитал реконструкцияси ҳам, коллеж қурилиши ҳам давом этаётир. Чори Солиев, Нурилло Гаффоров бошлиқ участка бунёдкорлигининг самарали меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган.

Курилиш объектлари йирик. Демак ишнинг кўлами

ҳам шунга яраша кенг, вақт эса зик. Бор йўғи саккиз ойда учта жамоат биносини қуриш, муастаклилик байрамнинг ўн олти йиллигига совға қилиш, ўқитувчи ва талабалар янги ўқув йилини янги биналарда бошлаши айтишгагина осон эди. Эзлик нафар бинокорлар қаторига яна қирқ беш нафар ишчилар келиб қўшилди. Иш икки навабда ташкил этилди. Инод Набиев раҳбарлик қилаётган ишлаб чиқариш участкаси ходимлари қуриладиш молларини манзилига пешма-пеш ўтказиб беришди. Ғишт, темир-бетон маҳсулотлари, цементнинг захира-си яратилди. Бу эса қурувчиларнинг белгиланган режадан ўзиб ишлашига олиб келди, суръат кун сайин ошиб борди.

Тўлқин Жабборов, Музаффар Муртазоқулов, Умед Шойимов сингари ишчилар бор неча бор кимматбоха буюмлар билан муқофотланди. Натижада, Тангимуш маҳалласи худудидаги 51-сонли, Муастаклилик маҳалласи тасарруфидидаги 39-сонли мактаб белгиланган муддатидан икки ой илгари қуриб битказилди. Сентабрь ойда эса машиий хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ишга тушди. Иношот лойиҳа қиймати икки миллиард бир миллион сўм эди. Маблиғ тўлиқ ўзлаштирилди. Шуниси қувончлики, бу коллеж биноси ўзининг шакл-шамойили жиҳатидан бошқаларидан кескин фарқ қилади. Бинога кирган киши қўрқам ўқув ва спорт зали, ойнаванд айвонлар, фан кабинетлари,

Еш ўғил-қизларининг касб-хунар ўрганиши учун шундай ажойиб шароит яратиб берилганидан ўзида йўқ хурсанд бўлади.

Яқинда жамоа янги биналар қуриш учун тендерда қатнашди. Бу гал ҳам танловда урта бина қуриш имконияти қўлга киритилди. Объектларнинг бири жамоат биноси. Термиз шаҳрида амалга оширилди. Иккинчиси янги касб-хунар коллежи, Қизирлик туманида бунёд этилади. Учинчи бина эса 460 ўринга эга бўлган умумий ўрта таълим мактаби. Жамоа яна қурилиш майдонида шиҳоат билан ишга киришган, янги биналарга мустақам пойдевор ҳозирланмапти.

Омон ШУКУРОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.
Сурхондарё вилояти

Бунёдкорлик

Яқинда Эллиққалъада иккита умумтаълим мактаби, агроиқтисодиёт касб-хунар коллежи ва Бўстон — Чайка — Айқалъа йўлининг сўнгги 5 километри қуриб фойдаланишга топширилди. Бундан туман аҳлининг қувончи чексиз.

Эллиққалъада яна байрам

Олдинлари фарзандлар 5-6 километр йўл босиб, бошқа мактабга боришарди. Айниқса, қиш кунлари қийин эди. Негаки, илгариги мактабга бизнинг "Чорвадор" посёлкисидан Бўстон — Тўртқўл магистраль йўли ёқалаб боришарди. Бу отаналарни жуда ташвишлан-тирарди.

Сарабий овули худудидаги Сарабий агроиқтисодиёт коллежи ҳам жуда қисқа муддатда қуриб битказилди. Бу хашаматли бина қурилишида "Эллиққалъадеҳқон-қурилиш" масъулияти чекланган жамияти қурувчиларининг хизмати катта бўлди. Коллеж қурилиши учун ҳукуматимиз томонидан 1 миллиард 720 миллион сўм сарфланди.

Мухаммадсобиёр АЙТИМОВ
Қорақалпоғистон Республикаси

Интернет билан боғланган қишлоқ

Яқинда Хатирчи туманидаги Мирзо Улўғбек номидаги қишлоқ аҳолиси уйларидан туриб интернет ва рақамли почта тизимидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори туманда алоқа хизматини тубдан ислоҳ қилишга хизмат қилмоқда.

Бинобарин, мазукур қарордан сўнг 7 та провайдерлик пункти ишга туширилиб, уларда халқаро сўзлашув хизмати йўлга қўйилди. Туман телекоммуникация боғланмаси таркибида бугунги пайтда 13 та қишлоқ телефон станциялари аҳолига хизмат кўрсатмоқда. "Қосим Раҳматов", "Аҳмад Ерлақабов" ҳамда "Ўзбекистон" фермер хўжалиқлари худудидаги

халқаро сўзлашув масканлари иш фаолияти тадбиркорлар томонидан йўлга қўйилган. "Урозбой ботир" фермер хўжалигига қарашли телефон станцияси халқаро сўзлашув пункти ҳам миҳозлар билан гавжум. Шинам ва ёруғ сўзлашув кабинетларида олисдаги яқинлари билан хол-аҳвол сўрашаётган кишиларнинг хурсандчилиги чексиз.

"Алоқа саодати" ва "Шоҳиста Гулруҳ" провайдерлик пунктларида ҳам худди шундай хурсандчиликка дуч келасиз. Телекоммуникация меҳнат жамоси эса тизим фаолиятини янада яхшилаш борасида тинимсиз изланмоқда. Натижада, мазукур йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида умумий телефон нўқталари сони 4950 тага етказилди.

Бахриддин САДРИДИНОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.
Навоий вилояти

Ёшлар нигоҳида — Польша

Тошкент Фотосуратлар уйида "Объектда — Польша" деб номланган расмлар кўргазмаси очилди. "Зажева" поляк ёшлар маркази ва Тошкент Фотосуратлар уйи, Польша Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этган мазукур кўргазмада икки нафар ёш фоторассом — Ника Пилипюк ва Гжегег Нисёлнинг 80 га яқин асарини намойиш қилинмоқда.

Кўргазма муаллифларидан бири — Ника Пилипюк Тошкентда яшайди ва ижод қилади. У "Зажева" поляк ёшлар маданий марказининг болалар тасвирий ижодиёти студияси раҳбари. 2003 йилда Республика рассомчилик коллежини тамомлаган. 2007 йилда эса Тошкент Фотосуратлар уйи қошидаги бадиий фотосанъат мактаб-студиясини тугатган.

Ника Пилипюк турли мавзудаги асарлари билан 2005 йилда ёш рассомларнинг халқаро бадиий танлови голиби бўлган. Бугунги кунда ундан фотосанъат сирларини ўрганаётган шогирдларидан бир нечтаси Польшада ўқитиладиган халқаро болалар расмлари танлови-

обиддалари, миллий анъана ва кадрятлари, мазукур мамлакатнинг бугунги ҳаёти ва тараққиёти, одамларнинг турмуш тарзи акс эттирилган. Муаллифлар ижодини бугунги шиддатли замонда ҳаётдан гўзаллик ва мўъжиза излаб яшаш туйғуси, эзгулик, тиңчилик ва дўстликни улғулаш хусусиятлари билраштириб туради.

Висола ҚАРШИБЕВА,
ЎЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси.
Р.ГАЛИЕВ олган сурат.



Ёқилаётган хазоннинг ташвиши кўп

Чамаси, ўн йиллардан буён битта йўналиш бўйича уйдан ишхонага, сўнг яна уйга қатнайман. Маҳалламиздагилар уйкудан уйго-ниб, иш ва бошқа кундалик юмушлар тадоригини қўришаётганда шу атрофда яшаётган кўча супурувчи фаррош аёл аллақачон зиммасидаги вазифасини бажариб қўйган бўлади. Узига бириктирилган йўлак ва бекатлар, гулхона ҳамда кўп қаватли уйлар атрофи саранжом-сарништа ва хазонлардан тозаланган бўлади. Аммо кун-ботар чоғида яна ўша аҳвол: кимларнингдир безътиборлиги, одамларнинг масъулиятни ҳис қилмаслиги оқибатида орасталик бағишланган кўчаларда ҳар хил қоғоз қолдиқлари, дарахтлардан тўкилаётган хазонлар тўпланиб қолади. Буниси камлик қилгандай хазон уюмларини махсус ажратилган жойларга олиб бориб ташлаш ўрнига ёқиб юборишган, бурқисиб чиқаётган тўтундан ўтиб-қайтувчилар ва шу жойда яшовчиларнинг дили хира тортади.

вахоланки, у тайёр ўғит бўлиб, ташвиш эмас, даромад келтириши мумкин

мажмуида эришган ютуқлари туфайли тажриба алмашиш ва кези келса, ҳамкорлик қилиш мақсадида ҳукуматимиз яратиб берган имкониятлар туфайли кўплаб хорижий давлатларда бўлган кишилардан бири.

Тажрибали деҳқон сифатида у киши ана шу мавзудаги фикрини узокдан бошлади: ризк-рўзимиз манбаини яратиб бераётган ерга, табиатта бепасандлик билан қараш оқибатида айрим кишилар, айниқса, ғалатдан бўлган майдонларга, шунингдек, ҳас-хазонларга ўт қўйиб юборишади. Ваҳоланки, ёқилган ер ҳолсизланиб, таркибидаги маъданларни йўқотган, узок борса 17-20 центнердан ҳосил беришини туپроқшунос ва соҳа муроф-мухитга зиён етказишапти.

— Яқинда "Қўйлик" даҳасидаги кўп қаватли уйнинг олдидаги дарахт тагида кимдир чиқиндига ўт қўйибди. Натижада, табиатга гўзаллик бағишлаб, ҳавони тозалаб турган каттагина дарахт кулга айланди, — дейди у кўйиниб.

Гал табиат инъом этган гўзаллик ва уни асраб-авайлаш ҳамда хазонни ёқмаслик ҳақида бораркан, шу ўринда яна битта мисолга эътибор қаратишни лозим тоғдик: оққўрғонлик "Покиза-М" фермер хўжалиги раҳбари Абдумалик Каримов агросаноат

"Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи билан экспорт қилинаётган маҳсулотлар тури ва ҳажми йил сайин ортиб бормоқда.

Хонобод шаҳридаги "Андижонкабель" Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар — турли кабеллар симлари, пўлат, рангли металл ҳамда уларнинг қотишмаларидан тайёрланаётган металл турларга талаб тобора ортиб бормоқда. Узокқи яқин, оғирни енгил қилишга хизмат қиладиган бу маҳсулотлар ўзининг юқори сифати билан аллақачон харидорлар ишончи қозонган.

Корхонанинг маҳсулотлари Эрон, Туркия, Туркменистон, Россия, Қирғизистон сингари кўплаб давлатларга экспорт қилинапти.

СУРАТДА: ишчи Абдувосид Сиддиқов.

Ш.ОЛИМОВ (ЎЗА) олган сурат.
Андижон вилояти

Парижликлар яёв қолишмоқда

Францияда давом этаётган жамоат транспортлари ходимларининг иш ташлашлари мамлакатда кенг қулоч ёймоқда.

Мамлакатнинг 60 дан зиёд шаҳарларида жамоат транспортлари ҳаракати тўхта-тилган. Франция президенти Николья Саркозининг пенсия борасидаги ислоҳотига норозилик билдираётган транспортчилар сафига шифокорлар ва талабалар ҳам қўшилган. Францияда бу аҳвол деярли бутун Европага ҳам салбий таъсир ўтказмоқда. Тезуярар TGV поездлар тизимининг 700 дан зиёд поездидан атиги 46 таси қўшни давлатларга қатнамоқда. 13 ноябрдан буён давом этаётган иш ташлаш Парижда жиддий муаммоларни келтириб чиқаряпти. Одамларнинг ақсарияти ишга велосипедда боришяпти. Айримлар эса умман ишга бормай қўймоқда.

Эслатиб ўтамиз, Франция президенти Саркози аввалроқ давлат хизматчиларининг айримларига нафақага 10 йил илгари чиқишга рухсат берувчи ҳамда бир неча пенсия имтиёзларини бекор қилган эди.

Оқ уйни ранжитаётган ҳужжат

АҚШ Конгрессининг ақсарият демократлардан иборат вакиллар палатаси Ироқдан америкалик аскарларни олиб чиқиш тўғрисида қонун лойиҳасини қабул қилди.

203 овозга қарши 218 овоз томонидан маъқулланган қонун лойиҳаси сенатга юборилган. Агар бу ҳужжат сенат томонидан тасдиқланса, президент 30 кундан сўнг ундаги шартларни амалга оширишга киришиши лозим бўлади. Аммо Буш маъмурияти қонун қабул қилинган тақдирда ҳам президент вето ҳуқуқидан фойдаланиб, унга қарши чиқишини маълум қилган.

Қузатувчилар фикрича, президент Жорж Буш қарашларига умуман зид бўлган бу қонун лойиҳаси тасдиқланмаслиги ҳам мумкин.

Вакиллар палатаси ҳужжатига Ироқдан Америка аскарларини 2008 йил 15 декабрда олиб чиқиси ва у ерда АҚШнинг доимий ҳарбий базаси қурилмаслиги назарда тутилган.

Рамзон Қодиров ваъдаси



Чеченистон президенти Рамзон Қодиров ҳозирда яшириниб юрган жангарилар раҳбари Доку Умаровни таслим бўлишга чақирди.

Бундан эвазига Қодиров ўзини "Ичкерия президенти" деб биланган Умаровга тиббий кўмак кўрсатиш ва судда айбини енгиллаштирилишига ваъда қилган. Чеченистон ва Россия худудида кўплаб кўпуровчиликларни амалга оширилшига бошчилик берган Доку Умаров айни дамда Кабардин-Балқарияда яшириниб юргани ва у оғир яралангани оқибатида аҳволи ёмонлиги айтилмоқда.

Очликдан қийналаётган америкаликлар

Американинг 35,5 миллион аҳолиси тўйиб овқатланмаслик ва очликдан азият чекади.

АҚШ қишлоқ хўжалиғи вазирлигининг 2006 йил маълумотлари асосида таёйёрланган маърузасида шу жайда айтиб ўтилган. Утказилган сўровномларга кўра, 35 ярим миллион америкалик ишсизлик ва кам даромадлиқ туфайли очлик, тўйиб овқат емаслик ҳамда сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотларидан азият чекишини айтган. 2005 йилда руйхат 2006 йилга келиб 400 миң нафар одамга қўлайгани маълум қилинган. Мамлакатнинг Миссисипи, Нью-Мексико, Техас ва Жанубий Каролина штатларида яшовчиларнинг ақсариятини ушбу муаммо қийнаб келар экан.

Кичкина Парижнинг ҳам Эйфели бўлади

Белоруснинг Париж қишлоғида Эйфел минораси қад ростлайди. Гомель вилоятининг 400 нафар аҳолига эга бу қишлоқда қурилажак миноранинг баландлиги 30 метр бўлади ва айнан Эйфелдан нусха олади.

— Парижнинг дунёдаги ҳеч бир одам Эйфел минорасисиз тасаввур этолмас экан, демак бизнинг Парижда ҳам шундай иншоот бўлиши керак, — дейди қишлоқ вакиллари.

Белоруснинг Париж қишлоғининг бундай номлинишига 1812 йилги уруш сабаб бўлган. Бу қишлоқда кўним тоғпан француз қўшилари Париж деб ёзилган тахтан ўрнатиб кетишади. Шундан сўнг Белорусда ҳам Париж дунёга келади.

Абдусами ХАҚБЕРДИЕВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.
Жаҳон матбуоти хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.

Шаҳардаги осмонлар уйларидан бири. Содиқжон тўққизинчи қаватнинг балконида ёнбошлаганча телевизор кўриб ётибди. Эшик тақиллади.

Содиқжон ётган ерида товуш берди:

- Хоним, қарагин-чи, ким экан?
- Зумрадхон шипиллаб эшикка борди-да, тезда қайтди.
- Улсин, дам олиш кунини ҳам тинч қўйишмайди, - деди энаси қотиб, қишлоққа кийинган бир одам сизни сўрапти.
- Содиқжон эриниб кўзгалди. Бўсағада жилмайиб турган тоғасини кўриб, кучоқ очди.
- Ие, ие, киравермайсизми, тога! Оббо, тоғажоним-ей, кўзини чирт юмиб жиянчаларни бир йўқлаб келай, деб-сиз-да, а? Канин, канин, ичкарига...
- Тоға-жиян етаклашиб ичкарига кирдилар.
- Ахир бу Турсунбой тоғамлар-ку, аяси, танимадингми? - деди Содиқжон бир четда хурпайиб турган хотинига.
- Ўн йилда бир кўриши, қайдан танисин? - деди тоға халтасини бир бурчакка қўйarkan.
- Энди хафа бўлмайсиз, тоға, - деди Содиқжон, - кейинги пайтда келинингиз склероз деган касалга чалиниб қолди. Кеча нима овқат единг, деб сўрасангиз ҳам эслай олмайдим.
- Хотин четга қараб афтини буриштирди. Тоға, мен кўлимни чайиб олай, деб ваннахонага кириб кетди. Зумрадхон эрига шипиллаб:
- Нимага келди экан, билмайсизми?
- Қизиқмасан? Эшикдан кирмасдан, хўш хизмат, деб ёқасидан оламанми? Янги йил олдида жиянчаларни бир кўрай, деб айланиб келган-да.
- Бунақалар бекордан-бекорга "айлане-еб" келмайди. Шунча йил сувага чўққандай дом-дараксиз кетган одам... нечүк бирдан жиянчини соғиниб қолдибди? Бир касали борки, келган!
- Хай, майли, ёлғиз тоғамиз экан, нима гап, нима сўз, аввал эшитайликчи, хотин.
- Хеч қанака ёрдан-пордам қилмайсиз, билиб кўйинг. Шунча йил бировларнинг олдига тушиб юрганингиз

гиз ётар. Бирортаси миннатдор бўлдимми?

- Бўлди, кўп вайсамай дастурхон ёз, чой кўй.
- Шу пайт юз-кўлини артиб тоға меҳмонхонага кирди.
- Аммо Тожкани суви болдай ширин-да. Ичан саринг ичгинг келайди... Келин, холангиз жиянчаларга атаб убу солаётганиди. Анави сўмкани қараган-чи.
- Зумрадхон ёлгон димоғ қилди:

Зумрадхон ошхонада кулогини динг қилиб турган эди. Эрининг гапини эшитдию, тагин тоғасига ваъда бериб юбормасин, деб апил-тапил чой дамлаб кирди. Эридан олдин гапга аралашди.

- Хозир институтга кириш бирам қийин бўлиб кетган, бирам қийин бўлиб кетган... Бултур ёзда бу кишининг ишхонасидаги тўпалангнин кўрсангиз эди. Комиссия устига комиссия! Домларлага тилхат ёздиршган. Институт олдига қандай машина келса, номерини ёзиб олишибди. Ишонасизми, тоға, ректорнинг жияни ҳам киролмади ўқишга.
- Хеч бунақаси бўлмаган.
- Тўғри-да, - деди тоға бош силкаб, - тоқайга ё зари бор, ё зўри бор ўқийди? Ҳалоллик бўлиши керак-да.
- Шунча дейсиз, лекин сизга ўхшаган жигарларига ёрдам бе-

Келинга жон кирди:

- Жуда жонимизга тегишди, тоға, - деди бошини эгиб.
- Мен унақа хилдан эмасман. Шу пайтгача бирон ишимни тўғрилаб бер, деб олдинга келдимми?
- Йўқ, келмадингиз, тоға, лекин... - Омон бўлсам, бундан кейин ҳам келмайман. Ҳар ким ўз бошини ўз тирноғи билан қашлагани тузук. Биронинг хўшмағига кўз тиккунча, ўз меҳнатингга ишонганинг маъқул, жиян... Хўш, илтимосим шукки, мен ёлғиз тоғаман. Ёшим олтишдан ўтди. Қишлоқда қариндош-уруғ дегандай, отанангнин кўзини кўрганлар бор. Гоҳи-гоҳида шуларни ҳам йўқлаб тур.
- Содиқжон аранг оғиз очди:
- Тўғри, айб бизда...
- Адашмасам, қишлоққа қадам босганингизга ўн йилдан ошди. Қўрқмай боравер, жиян, амма-халаларингизга айтиб қўяман, сандан хеч нима илтимос қилишмайди. Қайтанга йўқлирангиз ҳам беришади. Келин, Содиқжонни туртиб турунг, баъзи-баъзида саватбуларни ҳам йўқлаб қўйса, савоб бўлади, хайми?

Ҳолат



Качқина бир айтмос

- Бекорга овора бўлибсиз-да. Бозордан олиб турибмиз...
- Бу табаррук, - деди тоға дуо қилиб, - ўзимизни боғда пишган мевалардан.
- Содиқжон хол-ахвол сўраган бўлди:
- Қалай, тоға, қишлоқлар обод бўляптими? Жиянлар қалай? Каттаси Нодирмиди?
- Собир.
- Ха, ха, Собир. Катта йигит бўлиб қолганми?
- Мақтабни битириб, бир йил ёнмада ишлади. Биз ҳам хозир пермер бўлганми. Бу йил армияга кетди. Ундан кейингиз Қодир. Эрта-мертан у ҳам мактабдан чиқди. Аммо калласи ишлади, ҳисоб-китобга зўр.
- Унда ўқитиш керак экан, - деди Содиқжон энсая.

ролмагани учун жиянингиз хижолат бўлади-да, тоға. Узлари ҳам яқинда институтдан кетаман, деб юрибдилар. Зумрадхон "Гапирмайсизми?" дегандак эрининг оёғини босиб қўйди.

- Ха, домлачиллик қийин бўлиб кетди, - деди Содиқжон ноилж.
- Тоға чойини ичиб, пиёлага кафтини босди. Шумлиги тутди. Муртидан қулиб деди:
- Э, чатоқ бўлибди-ю... Биз ҳам қичкина бир илтимос билан келиб эдик, э!
- Қўлимиздан келса, майли, - деди Содиқжон мушмурлак қилиб.
- Тоға эр-хотининг бетига тикка қаради:
- Билишимча, одамлар илтимос билан келавериб, сизларни бозор қилиб юборганга ўхшайди.

Келин гул-гул очилиб кетди:

- Вой, раҳмат, тоғажон! Хўжайин отпуска олсалар, болаларни етаклаб албатта борамиз. Невараланингиз ҳам қишлоқни роса соғинишган...
- Тоға бўш халтасини қўлтиқча уриб, ўрнидан турди, эшикка боғданга ўтирилади:
- Хайр, омон бўлинглар, лекин менинг илтимосим эсинглардан чиқмасин-а?
- Эр-хотин қўлларини қовуштириб, куллук қилиб қолди. Эшик ёпилди. Содиқжон жойига келиб ўтирди. Соҳларини чангаллаб калла чайқайди:
- Қичкина илтимос... Йўқ, бу илтимос эмас, бўйим баравар калтак бўлди, калтак...

Саъдулла СИЁЕВ



Навбатдаги рақиб Эстония

Футбол бўйича Рауф Инилев мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2010 йилда Жанубий Африка Республикасида ўтказиладиган Жаҳон чемпионатида чиқиш учун ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрмоқда.



Яқинда саралаш ўйинларининг 3-босқичига йўл олган футболчиларимиз ўртоқлик учрашувида майдонга чиқишади. Ўзбекистон футбол федерацияси терма жамоалар билан ишлаш бўлими бошлиғи Алишер Никимбаевнинг маълум қилишича, 21 ноябрь кун Тошкентдаги МХСК стадионида Эстония терма жамоаси билан ўртоқлик ўйини бўлиб ўтади. Ушбу баҳсга 18 та футболчи жалб қилинган. Инилев ва унинг жамоаси 19 ноябрдан машгулотларга киришади.

Рўйхат эса қуйидагича: **Дарвозабонлар:** Игнатий Нестеров, Павел Буғало; **Ҳимоячилар:** Анавар Гофуров, Хайрулла Каримов, Илҳом Сунонов, Алексей Николаев, Бахтиёр Ашурматов, Камолдин Тожиев; **Ярим ҳимоячилар:** Виктор Карпенко, Азиз Хайдаров, Рустам Қодиров, Хамза Каримов, Ренат Байрамов; **Ҳужумчилар:** Павел Соломин, Улугбек Бақоев, Жаъфар Ирисметов, Илҳом Мўминхонов, Виктор Клишин.

Футболчиларимиз пешқадам

Туркиянинг Анталия шаҳрида футбол бўйича ноғирон-ампутантлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида дунёнинг энг кучли терма жамоалари голиблик учун куч синашмоқда.

Яқинда "Формула-1" спорт ишқибозлари қутилмаган ҳолатга дуч келишди. Мазкур спорт тури бўйича жаҳоннинг етти карра чемпиони Михаэль Шумахер "Ferrari" болиди рулга ўтириб, пойғаларда қатнашди.

Шумахер яна пойгада



Германиялик тирив афсона Барселона шаҳрида ташкиллаштирилган пойга машиналарнинг тест-сони менашқидан энг яхши кўрсаткични кайд этишга муваффақ бўлди. Аммо унинг катта спортга қайтиши ҳақида хеч қандай гап-сўзлар йўқ.

Спортчи мазкур машқ пойғаларда "Ferrari"нинг техник маслаҳатчиси бўлиб иштирок этаётгани маълум бўлди. "Ferrari" пойга машиналарининг асарият электрон бошқарувлари келгуси йили алмаштирилиши кўзда тутилган. 38 ёшли Шумахер фаолияти давоминда айни шу машиналарда чемпионликка эришганди.

Мусобақанинг «В» гуруҳида Бразилия, Сьерра-Леоне, Украина, Эрон ва Нигерия терма жамоалари билан чорак финалга чиқиш учун рақобатлашадиган Ўзбекистон терма жамоаси учрашувларни кетма-кет ўз фойдасига ҳал қилмоқда.

Навбатдаги учрашууда юртдошларимиз Африканинг энг кучли терма жамоаларидан ҳисобланган Сьерра-Леонега қарши майдонга тушди. Африка вакиллари Анавар Исмоилов бош мураббийлик қилаётган терма жамоамизга ҳарчанд қаршилик кўрсатишга уринмасин, охир-оқибат ўзбекистонлик чарм тўп усталари устунлигини тани олишга мажбур бўлди. Хужумкор ўйин кўрсатган футболчиларимиз рақиб дарвозасига жавобсиз учта тўп киритди.

Мусобақа жадвалида олти очко жамғарган Ўзбекистон терма жамоаси биринчи ўринга кўтарилди. Хамюртларимиз учинчи турда Эрон футболчилари билан куч синашади.

Хопкинс ватанида кучли...ми?

Профессионал боксининг ўрта вазинда собиқ мутлақ чемпион, америкалик Бернард Хопкинс иккинчи ўрта вазининг уч йўналиш чемпиони Жо Кальзага билан рингда учрашиш ниятида.

Кальзага яқинда ўз ватани Уэльсда даниялик Миккел Көсслердан WBC ва WBA камарларини ютиб олган. Шундан сўнг уэльслик боксчи Хопкинсни жанг ўтказишга қаҳирланди. Бу тақдирга Хопкинс дарҳол рози бўлди. Бироқ боксчилар қизиқарли жангин фақат ўз ватанларида ўтказишмоқчи.

Профессионал боксда рақиблар учрашувига бир-бирларини турли ҳақоратли сўзлар билан "сийлашади". Бу борада биринчи бўлиб чиққани Бернард Хопкинс бошлади. Унинг айтишича, Кальзага фақат юртидагина машғур, агар у АКШда жанг ўтказса, шифкорлар кўмагида уйига қайтар экан.

Суннатилла ИСЛОМОВ

Кофенинг фойдаси нимада?

Кофе буталар туркумига кирувчи дарахт бўлиб, унинг барглари 5-15 сантиметр катталиқда, ялтироқ тўқ яшил рангли бўлади. У 3 йилдан сўнг гуллаб бошлайди. Мевалари қизил, қора, кўкмиш қора, баъзан сарик рангда бўлиб, истеъмолга қўйиладиган кобиқ билан қопланган. Қобик ичидида икки донга яшилсимон кўпранг мевалар даярли бир йил давоминда етилиб пишади. Ҳар бир етилган кофе дарахти тупроқ ва ҳаво шаронига қараб 1 килограммгача ҳосил беради.

Африка, Мадагаскар ва Маскарен оролларида кофенинг 60 дан ортиқ ёввойи тури мавжуд бўлиб, бутун дунё бўйлаб истеъмол қилинадиган кофенинг 90 фоизини "арабика", "либерика" ва "робуста" навлари ташкил қилади.

Кофенинг таъми, ўзига хос ҳиди ва ранги унинг денгиз сатҳидан қанча баландда жойлашганига, қуёш нурининг таъсирига боғлиқ. Энг яхши кофе денгиз сатҳидан 900 метр баландликда қуёш нурига ва иллик ёмғирларга бой ҳосилдор тупроқда ўсади, деган фикрлар мавжуд.

Асосий кофе етиштирувчи мамлакатларга Эфиопия, Ангола, Уганда, Хиндистон, Индонезия ва Филиппин ороллари, Колумбия, Мексика, Сальвадор, Коста-Рика ва Бразилия кирди.

Кофе мевалари маълум даражада етишганидан сўнг уларнинг энг саралари кўнда териб олинади. Кейин улар пўстидан ажратилиб, ювилади ҳамда қуртилиб, ўлчанмига қараб саралаб чиқилади. Кофенинг

таъми яхши бўлиши учун унинг мевасини пўсти билан бирга 36 соат давоминда иссиқ сувага солиб қўйилади. Кейин у пўстидан тазаланган ва қуёш нуринда қуритилади.

Кейин қуритиб олинган кофе 200 даража иссиқда қовурилади. Қовуриш натижасида кофеда ўзига хос бошқа хеч бир нарсасида учрамайдиган ҳид ва таъм пайдо бўлади. Лекин уни турли мамлакатларда ҳар хил усулда қовуришади. Масалан, АКШда уни ҳам қовуришади, натижада кофеда нордон мева таъми пайдо бўлади. Франция ва Италияда кофедини кўнли қовуришади, бундай кофе дамланганда аччиқроқ таъми бўлади. Баъзи тропик мамлакатларда кофе донларига қовуриган ва майдаланган кофе барглари ҳам қўшиб дамлашади. Хиндистонда эса кофенинг аччиқ навларини хушлашади.

Кофега ёқимли ҳид берувчи 600 турдаги ҳар хил моддалардан ташқари киши организмни учун зарур бўлган органик кислоталар ва тригоноллин алкалоиди мавжуд бўлиб, у қовуриш жараёнида парчаланиб, ўзидан В гуруҳ витаминлар ажратиб чиқаради. Бундан ташқари, кофеда муҳим макро ва микроэлементлар ҳамда 0,3-2,5 фоиз микродорида кофеин моддаси мавжуд. Кофе таркибидидаги кофеин ҳисобига уни ичганда одамдаги чарчоқ кетиб, кайфият кўтарилади, қувват ошади.

Кофе ҳиди асабларни тинчлатириди, унинг таркибидидаги кофеин марказий асаб тизимини кўзғатиш ҳисобига хотира яхшиланади, юрак фаоллашади, қон босимини ошади. Бироқ асабий ва домий безовта



кишиларга кофеин тескари таъсир кўрсатиши ҳам мумкин.

Кофе ошқозон ости шираси ишлаб чиқилишини тезлаштирувчи восита ҳисобланади. Шунинг учун уни ошқозон ва 12 бармоқ яра касаллиғи бор кишиларга ичши тавсия этилмайди. Уткир холецистит, гепатит, жигар циррози, панкреатит билан касалланганлар ҳам кофе ичмаганлари маъқул.

Кофенинг 10 грами ўлдирувчи таъсирга эга. Бунча микдор эса 100 чашка кофеда мавжуд. Кофенинг қувватлантирувчи таъсирини унга сут қўшиб йўли билан қаймайтириш мумкин. Сут кофедаги кофеини ўзига бирикитириб олиш йўли билан нейтраллашди.

Мутахассисларнинг фикрига қўра, кунига 300 мг кофеин истеъмол қилиш соғлиқ учун зарарли эмас. Фақат унга боғлиқлиқ қолмаслик лозим. Кофеинга ўрганган киши уни истеъмол қилмай қўйса, мушкулларда орғик, уйқусизлар, чарчоқ ҳамда умумий тонуснинг пасайиши кузатилади.

Манзура ШАМСИЕВА тайёрлади.

Яхшилар ёди

"Яхшидан боғ қолади" дейишади ота-боболаримиз. Бир пайтлар авлодларимиз эккан ниҳоллар ҳозир азим дарахт бўлиб, келажак авлод билан боғланадиган халқга айланган, десақ адлашмаймиз.

Бобом эккан дарахтлар

Бобом Шокирбой Шөрбой ўғли Паркент туманидаги Заркент қишлоғида ўзига тўқ кишилардан бўлганлар. Қўш қилиниб бор ёр, мол-мулки мусодара қилинган, уч ўғли Ориф, Бўри, Комил ва менинг дадам Одил Шокирбойлар бадарга қилинган. Шунда уларга Тошкентдан 30 километр узоқ бўлган Қумарик, Қўшқўрган деган қишлоқларда яшашига рухсат берилган.

Уша йиллари куз-қўкдам пайтларда Тошкент шаҳрининг йўл чети, хиёбонларга турли дарахт қўчатлари экишга бобом ва у кишининг ўғиллари жон-ҳади билан киришган. Бир пайтлар амаким Бўри Шокиров билан шаҳар айланмиб юрганмизда Марказий хиёбонлардаги кўнгина дарахтларни биз экканмиз, деб айтган эдилар.

Яқинда шу ерга ташриф буюрганмизда амакиларимизнинг ўғиллари — улкан-улкан чинорларни кўриб, бобомиз ва амакиларимнинг қўллари тевкан деб таъриф қилишди. Шаҳарнинг бошқа ҳудудларида ҳам менинг аждодларим эккан дарахтлар кўп. Биз бу билан фахрланамиз.

Йўлдош ОДИЛОВ
Заркент қишлоғи

Автотранспорт - кредит ва лизингга!

Россия Федерацияси "ГАЗ" ВАЖИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬУТЕРИ - AVTODOM PLUS

"ГАЗ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт - 1,5-4,5 тоннали юк машиналари, 3-7 ўриндикли, 0,8 тонна юк кўтарилган фургонлар, 6-15 ўриндикли микроавтобуслари сотади.

Ҳақ тўлаш инсталланган усулда!

700015, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16А-уй.
Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94.
E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Маҳсулотлар сертификатланган

Бош муҳаррир
Чор ЛАТИПОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Саид АХМАД, Уктам БАРНОЕВ, Агитай АДИЛОВ, Уткир РАХМАТ, Хабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб), Комилжон МАМАЖОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Аграрно-оқилоқ комплекс таркибидида ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона - 136-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 136-54-44, 133-28-04, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-09-93

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси - 855-12-17, 223-57-53; Андижон - 224-99-13; Бухоро - 542-05-18; Жиззах - 265-78-52; Навоий - 224-69-08; Наманган - 412-34-23; Фарғона - 224-81-69; Самарқанд - 222-29-97; Сурхондарё - 335-13-42, 465-26-61; Сирдарё - 372-38-13; Тошкент - 100-29-61; Хоразм - 726-35-81; Қашқадарё - 227-65-42.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавабгар

МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Фермерлар ва тадбиркорлар диққатига!

Ташкилот қуйидаги техника воситаларини сотади:

№	Техниканинг номи	Миқдори	Ишлаб чиқарилган йили	Техник тавсифи	Техника турган жой
1.	Занжирли трактор Т-4А.01 (ПЯ-3-35-2 сонли омон билан)	1	2006	Ранги - қизил-оқ Завод рақами - 349381 Мотор рақами - 219891 Давлат рақами белгиси - ЕМ 60-70	Тошкент шаҳри
2.	ТТЗ 60	3	2006	Тури - уч гилдиракли Кузов ранги - яшил Моторнинг ишлаш кучи, кВт (Л.с.) - 44,1 (60)	Тошкент шаҳри

Кўшимча маълумотларни олиш учун қуйидаги телефонлар орқали **ХАЙРУЛЛО ХАЛИМБЕТОВ**га мувожабат этиш мумкин: 144-29-10, 144-32-52, 144-92-75.

ЧФ "СНН YULDUZ VIDEO-AUDIO" Юнусабадского району г.Ташкента (ИНН 203193956) лицензияланади. Претензии принимаются в течении двух месяцев со дня публикации в газете. Тел. 126-66-96.

ООО "FARDIL-FARM" Чиланзарского району г.Ташкента сообщает об увеличении Уставного фонда с 400000 сум до 2620000 сум. Тел. 391-50-97.

Утерьяный гос. ордер № 10-01/12748 от 01.03.1993 г. права собственности на квартиру на имя Мирқамилло Химатилла Хабибуллаевич, считать недействительным.

Утерьяный аттестат О № 018852, выданный 1997 г. средней школы № 57 Урта Чирчикского району Ташкентской области на имя Ли Вадим Геннадьевич, считать недействительным.

ООО SKY (ИНН 203720347) Урта Чирчикского району Ташкентской области, сообщает об уменьшении Уставного фонда с 550000 долларов США до 486067,15 долларов США. Претензии принимаются в течении двух месяцев со дня публикации в газете. Тел. 095-39-25.

Тошкент Давлат аграр университети ҳамоси "Олий математика" кафедраси доценти Валижон Вахобовга падари бузруквори

Абдувахоб ХУДОЙКУЛОВнинг вафоти муносабати билан чукур таъзия изхор этади.

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири хўжалиги ўрмон хўжалиги бош бошқармаси жамоаси меҳнат фахрийси Фазлиддин Фахрудиновга умр йўлдоши

МАНЗУРА аянинг вафоти муносабати билан чукур ҳамдардлик билдиради.